## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

## ТАШАНОВ АБДУХОЛИК ДАЙНОВИЧ

## БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**УЎК:** 323/327:101 (575.1)

# Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам

## Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences

Ташанов Абдухолиқ Дайнович
Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсири
Ташанов Абдухолик Дайнович
Негативное влияние деструктивных идей на национальное самосознание21
Tashanov Abdukhalik
Negative impact of destructive ideas to the national consciousness
Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works45

2

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Ташанов Абдухолиқ Дайнович

## БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

#### **АВТОРЕФЕРАТИ**

#### ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fa15 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб сахифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар: Назаров Кием Нормирзаевич

фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Қодиров Анвар Қаххорович

фалсафа фанлари доктори, профессор

Абилов Ўрол Муродович

фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05
рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «» соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
100174, Тошкент шахри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21,
(99871) 246-02-24; e-mail: <u>nauka@nuu.uz</u> Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар
факультети биноси, 1-қават, 117-хона.)
Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида таниший мумкин. ( рақам билан руйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шахри, Университет кучаси 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.
Диссертация автореферати 2017 йил «»

#### Р.М.Баходиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

#### О.Д.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

#### М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

4

#### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун жахон халқлари тамаддуннинг янги миқдорий ва сифатий ўзгаришлари кузатилаеттан янги боскичда яшамокда. Мафкуравий муаммолар асосий умуминсоний қадриятларни аста-секин кундалик истеъмолдан чиқараеттани, вужудга келаеттан маънавий инқироз ўзлигини сақлаб қолишга интилаеттан куплаб жамиятларга салбий таъсир ўтказмокда. Тахлилчилар фикрича, янги мингйилликда асосий муаммо — жамиятни маънавий юксалтириш бўлади.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик ва баркарорликни янада мустахкамлаш, жамият тараққиетини таъминлаш, инсон омили ахамиятини èшларни таъсиридан химоялашнинг шидишо хамда èт ғоялар Хусусан, **У**збекистон механизмлари ишлаб чикилди. Республикаси Конституциясининг 57-моддасида «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фукароларнинг конституциявий хукук ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний рухдаги сиèсий хамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти партияларнинг **У**збекистон белгилаб қўйилган. Шунингдек, тақиқланади» леб Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиклаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ташки фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди.

Бугун дунеда бузгунчи гояларнинг кенг тарқалиши ва унга мувофик мафкуравий полигонлар ҳамда турли мафкуравий кучларнинг фаоллашуви, постиндустриал муҳитдаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Замонавий технологик инқилоб шароитида оммавий ахборот ва

коммуникация муаммоларининг авж олиши жахоннинг аксарият мамлакатларида миллий ўзликни англашга бўлган тахдидларнинг кўлами ва таъсир кучининг ортиб бориши билан боғлиқ масалаларни кун тартибига қўймоқда. Бундай шароитда ҳар бир суверен давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзини муайян тамаддун эгаси сифатида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шу боис, фуқароларда бугунги дунѐдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, жамиятдаги ислоҳотларга дахлдорлик ва миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш муаммосини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги ПК-451сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини Карори, 2017 йил февралдаги «Ўзбекистон тўғрисида»ги 7 Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони хамда мавзуга оид бошка норматив хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

5

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғликлиги. Ушбу тадкикот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Жамиятни маънавий-ахлокий ва маданий ривожлантириш, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари асосида «ўзбек модели» нинг амалга оширилиши, мамлакатимиз маънавий ҳаетининг янги боскичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеев асарларидаги мафкуравий таҳдидларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсири, ешларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Миллий ўзликни англаш ва унга бузғунчи ғояларнинг салбий таъсири масалалари Авесто, Трипитака, Ведалар, Библия, Куръони карим каби диний манбалар, Сукрот, Афлотун, Арасту, Конфуций, Мао Цзи, Лао Цзи каби алломалар, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий, Ахмад Яссавий, Накшбанд, Низомулмулк, Бакирғоний, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби аждодларимиз асарларида, ижтимоий-фалсафий гносеологик жихатлари ва файласуфлари Р.Декарт, Ш.Монтескье, Т.Гобсс, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Ницше, М.Вебер, М.Каган, И.Кон, Н.Бердяев, Э.Фромм В.Вундт, З.Фрейд, тадкикотларида очиб берилган.

Мамлакатимизда Т.Жўраев, Қ.Назаров, Ш.Пахрутдинов, М.Қуронов, М.Юлдашева, А.Муминов, Р.Самаров, Б.Тўйчиев, И.Саифназаров, Ў.Абилов, З.Қодирова, Д.Норкулов, А.Мухторов, А.Очилдиев, Х.Хайдаров, Ш.Мадаева,

Н.Жўраев, А.Қодиров, О.Юсупов каби олимларнинг асарларида мафкуравий муаммолар тахлил килинган. Глобаллашувнинг салбий жихатлари, маънавий инкирозлар даврида миллий ўзликни саклаб колишнинг айрим жихатлари С.Отамуротов, А.Очилдиев, И.Хўжамуродов, Ш.Қаххорова, У.Саидовлар томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида мафкуравий тахдидлар ва уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирининг айрим муаммолари турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, танланган мавзу ижтимоий фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

Узбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва хукуқ таълимининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бузғунчи ғояларнинг намоèн бўлиш хусусиятлари, сабаблари ҳамда уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини очиб беришдан иборат.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

«бузғунчи ғоя» тушунчасининг таърифи, чегаралари, тарихий ва замонавий таснифларини тузиш асосида унинг категориал тушунчаларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш;

«Миллий ўзликни англаш» тушунчаси, унинг маънавий-мафкуравий таназзулга барҳам беришдаги роли, миллий ўзликни асраш даражаларини аниқлаш ҳамда уни ривожлантиришда қадриятлар, миллий ғоя ва мафкуранинг ўрнини очиб бериш;

миллий ўзликни англашга қарши тахдидларнинг негизлари ва оқибатлари, бузғунчи ғояларга қарши курашдаги имкониятлар, ғоявий тарбия воситалари ҳамда мафкуравий иммунитетнинг аҳамиятини асослаш;

Ўзбекистонда бузғунчи ғояларга қарши кураш стратегиясининг хусусиятлари, ушбу йўналишда махсус концепция яратиш эҳтиѐжи, миллий маънавият, миллий ғоя каби омилларнинг заруратини асослаш;

вайронкор ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини бартараф қилиш бўйича тадқиқотларнинг истикболли йўналишларини белгилаш, уларнинг самарали йўллари ва воситаларини аниклаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Каримов И.А. Асарлар тўплами. Т. 1-24. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996-2015.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup>Мирзиѐев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. — 56 б.; Мирзиѐев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиѐти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. — 48 б.; Мирзиѐев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шаҳсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. — 104 б.; Мирзиѐев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. — 488 б.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup>Адабиèтлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиèтлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Тадқиқотнинг объекти жамият ва маънавий-мафкуравий жараѐнлар. Тадқиқотнинг предмети бузғунчи ғояларнинг хусусиятлари, намоѐн бўлиш шакллари ҳамда миллий ўзликни англашга салбий таъсирининг оқибатлари.

**Тадқиқотнинг** усуллари. Диссертацияда тузилмавий-функционал, қиèсий-тарихий, каузал таҳлил, диалектик ва комплекс èндашув, мантиқийлик, кузатув, сўров усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бузғунчи ғояларнинг турлари, таснифлари, мезонлари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, категориал асосларини аниқлашга қаратилган янги услубий восита (бузғунчи ғояларнинг объекти, субъекти, мақсади, вазифаси, замон ва макони, сабаб ва оқибати, функцияси асосида) ишлаб чиқилган;

мафкуравий майдондаги бутун ходисалар тизими, агент (ғоя ташувчи) хамда контрагент (қарши курашувчи)ларнинг ижтимоий воқеликни идрок этиш ва бахолаш муносабатлари очиб берилган;

мафкуравий майдоннинг ички динамикаси тамойиллари (даражаланиш, ўлчамлар, ўзгаришлар), унда амалга ошириладиган ғоя ва мафкураларнинг сегментацияси (ажратилиши), аккумуляцияси (қўшилиши), сегрегацияси (парчаланиши) асослаб берилган;

бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга таъсири борасидаги ташкилий парадигмадаги ўзгаришлар тизими, умумтамаддун ва миллийлик

муносабатларидаги барқарорликни ўзгартирувчи издан чикарувчи, омилларнинг (тарихий яратувчанлик, объектив тамаддун танлови) конуниятлари (ўзгаришлар, тахдидларнинг муқаррарлиги) субъектив қонуниятлари (миллий ментал хусусиятлар) нисбати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

вайронкор ғоялар намоèн бўлишининг хусусиятлари, ижтимоий оқибатларини прогнозлаш ва уларнинг олдини олиш йўлларини чуқурроқ англаб етишга қаратилган кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсир кўрсатиш чегаралари, хавф-хатарлар кўлами аникланган;

бузғунчи ғояларни бартараф этиш механизмлари (инсоннинг эркин ижодий фикрини шакллантириш, ички ҳиссиѐтларга мурожаат, оммавий инсондан ўз шахсиятининг ўрнини белгилашга ўтиш, янгича қадриятлар тизимини яратиш) ишлаб чиқилган;

бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирларини бартараф қилишнинг самарали йўллари ва воситалари (Ўзбекистоннинг бузғунчи ғояларга қарши кураш миллий стратегияси, «Аҳолида бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш концепцияси» лойиҳаси) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқèсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар хамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у

7

ҳақдаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиетда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадкикот натижаларининг илмий ахамияти бузғунчи ғояларни ўрганишга янгича èндашувлар асосида уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини ижтимоий-фалсафий илмий-услубий аниклаш борасидаги билимларни жихатдан кучайтириши билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган категориал тушунчалар ижтимоий фалсафа сохасидаги тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиши мумкин. Мазкур тадкикот материалларидан келгусидаги илмий-тадкикот ва педагогик фаолиятда хамда фалсафа, диншунослик, психология, социология мутахассисликлари бўйича ўкув дастурлари доирасида бузғунчи мафкураларнинг тарихи, бугуни ва ижтимоий окибатлари буйича мавзуларни ишлаб чикишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, конкрет амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ѐшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида, ѐшлар билан уюштириладиган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

8

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликка салбий таъсирининг олдини олиш, уларга қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

бузғунчи ғояларнинг турлари, таснифлари, мезонлари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, категориал асосларини аниқлашга қаратилган янги услубий восита борасидаги таклифлар бўйича Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий марказининг буюртмаси асосида «Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликка салбий таъсири» (-Тошкент: Sano-standart, 2014. 7,75 б.т.), «Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар» (-Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. 25 б.т.) номли китоблар нашр қилинган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 21 июлдаги 285-сон маълумотномаси). Натижада бузғунчи ғояларнинг турлари, таъриф ва таснифлари, мезонлари, тарихий ва замонавий омиллари, уларнинг вайронкорлик хусусиятлари аниқланиб, тарғибот ишларининг самарадорлиги ошган;

ғоявий кураш, мафкуравий майдонлардаги ғоялар тизими, агентлар ва контрагентларнинг фаолияти, таъсир кўрсатиш чегаралари ва механизмлари, хавф-хатар кўламини аниклаш, миллий ўзликни англашнинг жамиятнинг юксак ижтимоий ютукларга эришишидаги аҳамиятига доир таклифлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканалининг «Суҳбатдош» (2015 йил 22 август), «Нигоҳ» (2016 йил 21 апрель), «Маҳалла» телеканалининг «Икки йўл орасида» (2016 йил 18 апрель; 2016 йил 1 декабрь), «Теран

илдизлар» (2016 йил 12 июнь), «Биламизку, аммо...» (2016 йил 22 сентябрь) кўрсатувлари сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 20 августдаги 01-12-1143-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар кўрсатувларнинг ғоявий таъсирчанлигини ошириб, мафкуравий иммунитетни кучайтириш имконини берган;

бузғунчи ғояларнинг мазмун-мохияти, уларнинг ўзаро таъсирлашуви, ѐшларда бузғунчи ғоялар, уларнинг салбий оқибатлари ҳақидаги билимларни шакллантириш, бузғунчи ғоялар объектига айланиш сабаблари, мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасидаги таклифлардан «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган турли давра суҳбатлари, семинарлар, тренинглар ва бошқа шаклдаги тарғибот-ташвиқот ишларида кенг фойдаланилган («Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг 2016 йил 26 августдаги 12-13/1841-сон маълумотномаси). Бу мамлакатимиз ѐшларининг бузғунчи ғоялар, уларнинг оқибатлари борасидаги билим даражаси, бузғунчи ғояларга қарши кураш самарасини ошириш, мафкуравий иммунитетни янада мустаҳкамлаш имконини берган;

бузғунчи ғояларни бартараф этиш механизмлари, миллий ўзликни мустаҳкамлашдаги самарали йўллар ва воситалар борасидаги таклифлардан Республика Маънавият тарғибот марказида чора-тадбирлар дастурини тузиш ва унинг ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 январдаги «Ақидапарастлик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро ҳамкорлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишларнинг савияси ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 3-сонли Қарори юзасидан чора-тадбирлар Дастури ижросини

таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2016 йил 22 июндаги 01/06-422-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиèтга жорий этилиши, хусусан, Ўзбекистоннинг бузғунчи ғояларга қарши кураш миллий стратегияси, «Аҳолида бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш концепцияси» юзасидан берилган назарий хулосалар, амалий таклифлар халқимизнинг қалби, руҳияти, маънавий оламини турли бузғунчи ғоялар ва вайронкор мафкуралар таъсиридан ҳимоялаш, бу борадаги илмий-назарий қўлланмаларга бўлган эҳтиèжларни қондиришга хизмат килган.

9

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баѐн этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадкикот натижаларининг эълон килиниши.** Диссертация мавзуси буйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, Узбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та макола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиѐтлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғликлиги, объекти, предмети, методлари, максади ва вазифалари аникланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиѐтга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бузғунчи ғоялар мазмун-моҳиятини ўрганишнинг илмий-фалсафий асослари» деб номланган биринчи бобида «бузғунчилик», «бузғунчи ғоя» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва намоѐн бўлиш шакллари, уларнинг тарихий ўзгарувчан характери, замонавий хусусиятлари ҳамда турлари, таснифлари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

«Бузғунчи ғоя» тушунчасига таърифлар кўп берилган бўлса-да, унинг èритилишида умумий якдиллик мавжуд эмас. Жамиятда бузғунчи ғоялар қанчалик хилма-хил бўлса, улар шунчалик мураккаб характер касб этади, ўз навбатида, унга турлича таърифлар, изоҳлар, илмий èндашувлар ҳам шунчалик кўп бўлади. Диссертацияда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган «бузғунчилик», унинг амалиèтдаги умумий белгилари ўрганилган. Бу тушунча фалсафий фанларда етарли тадқиқ этилмаган. Ҳатто «бузғунчи», «бузғунчи», «бузғунчи фаолият» тушунчалари аксарият луғатларда мавжуд эмас.

Бузғунчилик фақат давримиз èки бирор-бир жамият ҳодисаси эмас. Буни кўплаб диний, тарихий, фалсафий манбалар тасдиқлайди. Масалан, Арасту

10 бузғунчилик чегарасини аниқлаб, фазилатлар ортиб кетганда ѐки камайганда жаҳолатга айланишини қайд этади. Аммо шундай эҳтиросли лаззатлар борки, уларнинг ортиғи ҳам, ками ҳам ѐмондир¹. Аксарият манбаларга кўра, инқирознинг манбаи, уни ҳаракатлантирувчи кучи инсоннинг ўзи, табиатидир. Бунда асл ибтидоси яратувчанлик бўлган инсон ўз мавжудлигини йўққа чиқарадиган вайронкор, бузғунчи кучга қандай қилиб айланиб қолиши борасидаги муаммо юзага чиқади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида тараққиѐтга хавф солувчи тахдидларнинг бир нечтасини келтиради. У «Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя бузғунчи ғоядир», -дейди<sup>2</sup>.Бузғунчи ғоя — жамият тараққиѐтининг объектив зарурияти бўлган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўладиган ғоя. Бузғунчи ғояларнинг таъсир кўлами, оқибатлари, хусусиятларини бузғунчилик даражасига қараб ажратиш керак.

#### БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАР -га кўра маконига Субъек Сабабига кўра тига кўра Жахолат Объектига кўра Уруш Вайронкор Анъанавий Функция Максали Окибати кўра Йўналиши Замон ва сига кўра га кўра -га кўра индивид Сиесий индивид

йлик							
Антик	шари.	Инсоният	Мафкурави	Илмий	Миллатлар аро		
миноритар гурухлар	Минорита р гурухлар	хокимият	й	Миллатчи лик	низо	Замонави	Догматик
жамият	Ташкилот	Билиш	Миллий	Хукмронлик	Иқтисодий бўхрон	й	Рационал
Давлат	лар	Миллий	Диний	истаги	Тараққиèтга тўсиқ бўлиш	Локал	Иррационал
	Жамият	низо Бойлик		Фақирлик	Миллий махдудлии	регионал	Прагматик
Инсония Давла	орттириш	мадани	Ижтимоий адолатсизлик	Ахлоксизлик	глобал		
т Ер	T	Диний адоват	й	Маънавий инкироз	Классик	Илмий	

Бузғунчи ғоялар мафкуравий майдонларда амалга оширилади. Мафкуравий майдоннинг динамикаси муайян вақт лаҳзасида мавжуд бўлган бутун ҳодисалар сафи, агентлар ва контрагентларнинг ижтимоий вокеликни идрок этиш ва баҳолаш мезонларини шакллантириш юзасидан ўзаро муносабатларидир. Мафкуравий жараѐн — мафкура майдонининг замондаги ҳолати ва ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, яъни унинг даражалари ва ўлчамлари билан ҳосил бўлган ўзгаришлар. У мафкуравий майдоннинг ички динамикаси тамойиллари бўлиб, унда ғоя ва мафкураларнинг сегментацияси (ажратиш), аккумуляцияси (қўшилмоқ), сегрегацияси (алоҳида қилмоқ) амалга оширилади.

Бузғунчи ғояларнинг тарихий ўзгарувчан хусусияти ғоявий-мафкуравий курашларнинг ривожланиш жараѐнлари билан характерланади. Инсоният тарихида кечган ҳар қандай мафкуравий кураш — ижтимоий онг ва кишилар хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш учун бўлган ғоявий кураш. Буни сиѐсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун кишиларнинг «ўз йўли»ни асослашга қаратилган фаолияти, дейиш ҳам мумкин.

Бузғунчи ғояларнинг ўзгарувчан характерини ғоялар тизимининг тўқнашувида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Ф.Ницше фикрича, рад этиладиган барча нарса, одатда, ҳар сафар янги, янада каттароқ куч билан ҳаракатланиши борасида қонуният мавжуд. Фалсафа, дин, санъат, ахлоқ ва эркин ирода билан ҳам кўплаб худди шундай ҳодиса юз берган. Эндиликда мафкура билан ҳам бундай ҳолат такрор-такрор учрамоқда.

Бузғунчи ғояларнинг тарихий ўзгарувчан хусусиятларини ўрганишда «нео-», «сохта-», «пост-» каби қушимчалардан фойдаланиш мумкин. Ғоялар тарихида бундай ғоялар ўзи каби ғоялар билан уйғунликни еки бир ғояда турфаликни намоен этиб келган. Тадқиқотда ғояларнинг ижтимоий онгга таъсири, оқибатларидан келиб чиқиб, бузғунчилик мезонлари ҳамда асосий хусусиятлари ҳам ажратиб курсатилган.

Диссертациянинг «Глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-ғоявий асослари» деб номланган иккинчи бобида миллий ўзликни англаш туйғуси ва тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, мафкуравий инқироз шароитида миллий ўзликни англаш зарурати, глобаллашув жараѐнида миллий

11

 $<sup>\</sup>frac{1}{4}$  Арасту. Ахлоки кабир. М.Махмудтаржимаси. –Тошкент: Янги асравлоди, 2011. – 144 б.  $^2$ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-ж. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 293 б.

ўзликни англаш омиллари хамда бу борадаги муаммолар тахлил қилинган.

Миллий ўзликни англаш концепциясининг аҳамияти унинг инсон учун ҳам, миллат учун ҳам бош олий мақсад эканида, муҳим ва юксак ғояларни, шу жумладан, давлат қуриш дастурини ҳам қамраб олишида. «Миллий мафкуранинг яна бир муҳим шарти - бу ўзликни англашдир. Ўзликни англаш деганда, мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишни тушунаман» 1.

Миллий ўзликни англаш —шахснинг ўзи тўғрисида муайян миллат вакили сифатидаги барқарор англанган ва бетакрорлигини хис этадиган тасаввурлари тизими. С.Отамуродовнинг фикрича, «миллий ўзликни англаш» тушунчаси таркибига: 1) миллий бирлик ва бошқа этнослар мавжудлигини англаш; 2) миллий қадриятларга: тилга, туғилиб ўсган жойга, маданиятга (кенг маънода) ихлосмандлик; 3) ватанпарварлик; 4) миллий мустақиллик ва миллий тараққиѐтга интилиш; 5) миллий манфаатларни англаш киради<sup>2</sup>.

Хозирда жахон микèсида маънавий-мафкуравий жараèнларнинг хавфи жамиятда маънавий-мафкуравий бўшликларнинг вужудга келиши, ижтимоий онгнинг бундай вазиятга мослашувида намоèн бўлмокда. Айникса, миллий анъаналарга нисбатан глобал концепциялар ва мафкуравий тахдидлар натижасида èшларда ижтимоий-маънавий бегоналашув шаклланмокда, этник мансубликнинг назоратдан четда колиши окибатида маргинал катламларнинг ўсиши кузатилмокда.

Маънавий инкироз ва мафкуравий кураш шароитида жамият мафкурасини, миллий ўзликни англашни шакллантиришга асосан миллий маданият ва халк манфаатларига таянилгандагина муваффакиятга эришиш мумкин. Факат

анъанавий маданий мезонларни тушуниш оркалигина бирон-бир мафкуранинг жамиятга ижобий таъсирини башорат килиш мумкин. Миллий анъаналарни сунъий тарзда четлаб ўтишга уриниш доимо муваффакиятсизлик билан тугайди.

Диссертацияда умумтамаддун ва миллий ўзига хослик муносабатидаги барқарорлик, уни издан чиқарувчи ва улкан ўзгаришларни юзага келтирувчи тарихий яратувчанлик нисбати ҳамда тамаддун танлови муаммолари ўрганилган. Илгари ташкилий парадигмада бундай муаммо бўлмаган: яъни барча халқларнинг тақдири битта, барчанинг тараққиѐт поғонаси олдиндан белгилаб қўйилган, деб қаралган.

Миллий ўзликни асрашга уриниш халкнинг умуминсоний тамаддундан ажралиб колишига олиб келмаслиги лозим. Чунки бугунги тамаддунлашган жамият мавхум эмас, балки вайронкорликнинг хатарли курашларида омон колиш учун ўз кучи ва имкониятларини сафарбар килишга мажбур бўлаетган

12

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаѐт – пировард мақсадимиз. 8-ж. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 452-453.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Атамуродов С.С. Жамиятни янгилаш жараѐнида миллий маданият ва миллий ўзликни англаш (ижтимоий фалсафий аспект). Фалс.фан. док-и илмий дараж. олиш учун ѐзилган дисс-я. – Тошкент, 1992. - Б. 65-66.

ижтимоий-маданий вокелик. Бунда хатарли тарзда намоен бўладиган «объектив конуниятлар» билан бир каторда, тамаддунли умумий ҳает меъерлари деб аталувчи «субъектив конуниятлар» ҳам инобатга олиниши зарур.

Миллий ўзликни англаш ривожида мафкуранинг роли ижтимоий онг ва унинг шакллари, ижтимоий тизимлар фаолиятига кириб бориши билан алоқадорликда кўринади. Хаетни ўзгартиришда технократик усуллар, инсониятнинг атрофмухитга нисбатан вахшиена муносабати, гедонистик эгоцентризм каби турли тажовузларни бартараф этиш учун ижтимоий онгни тубдан қайта қуриш талаб этилади. Бунда асосий восита сифатида ижтимоий онгни муайян йўналишда ижтимоийлаштириб, ижтимоий онг сохасига самарали таъсир кўрсатадиган мафкура юзага чиқади.

Бугун глобаллашув жараенида муаммолар кўлами ва таъсири трансмиллий алокани шакллантириш хамда миллий қадриятларни сақлаш борасидаги миллий анъаналарнинг жозибадорлиги, сиесатга. менталитет глобаллашув жараенларига жалб қилинганлик даражасига мустахкамлиги, боғлиқ. Хар қандай холда хам глобаллашув таъсирида миллий ўзига хослик тахдид остида колади, чунки минтақавий боғланиш йўқолади, бу эса космополитик дунекарашнинг пайдо бўлиши учун замин яратадиган трансмиллий ижтимоий маконнинг шаклланишига кенг йўл очади.

Бугун нафақат саноат тармоқлари ва фаолият турлари, балки миллий давлатлар, улар билан биргаликда маданий анъаналар ҳам аралашиб кетиши ҳамда қандайдир бир умумий стандартларга келтирилиш жараѐни тезлашмоқда. Бундай ўзгаришлар мавжуд урф-одатлар, диний эътикод, турмуш тарзи ва ижтимоий стереотипларга таҳдид солади. «Ёпик цивилизацияларнинг такдири кутилаѐтган глобал тўқнашувлар - бу кўп жиҳатдан этно-конфессионал омиллар, этник ва диний сабаблар туфайли сиѐсий тўқнашувлар билан боғлиқ бўлади» Бунда миллатнинг ўзини бошқа жамиятлар билан таққослашга имкон берувчи ўз манфаатлари ва мақсадларини англаш муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти миллатнинг анъанавий қадриятлари: жамоавийлик, эътиқодлилик, миллийлик, ватанпарварлик, юксак маънавий ғоялар, мустаҳкам оила, маънавийликнинг

моддийликдан, бурчнинг истеъмолчилик ва худбинликдан, муҳаббат ва адолатнинг кучли кишининг ҳуқуқидан устунлиги, умумий мақсадларга хизмат қилиш, ҳақиқатга, муҳаддас нарсаларга садоҳат билан чамбарчас боғлиқ.

Хозирги даврда миллий ўзликни англашнинг уч асосий қисми: динийлик, жамоавийлик ва давлатчиликни алохида таъкидлаш керак. Янги муаммоларни аниқлаш йўли билан миллий ўзликни англашдаги диалогизмни чукур таҳлилдан ўтказиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «Миллий ўзликни англашда бузғунчи ғояларга қарши курашнинг маънавий-маърифий йўналишлари» деб номланади. Унда миллий ўзликни англашга таъсир кўрсатадиган мафкуравий тахдидларнинг негизлари ва оқибатлари, уларга қарши кураш имкониятлари,

<sup>1</sup> Xантингтон C. The Clash of Civilizations? // Полис, 1994. №1. - С. 33-48.

устувор йўналишлари ҳамда бу борада ғоявий тарбия воситалари ва мафкуравий иммунитетнинг ўрни ҳақида сўз юритилади.

Миллий ўзликни англашнинг мухим асослари: миллий онг, миллий ўзига хослик, миллатга мансубликни юқори даражада англашдан келиб чиқади. Қачонки, халқ ўз тарихий тараққиети даврида миллат бўлиб шаклланиб, унга мансубликни орият, қадр-қиммат ва қадрият даражасида англаса, уни химоя қилишга, асраб-авайлашга интилади. С.Отамуродов миллий маънавиятга қарши тахдидларнинг негизларини ўрганар экан, уларга тарихий жиҳатдан ендашиб, олти даврга бўлади. Олим бу борадаги маънавий тахдидни ташқи ва ички тахдидларга ажратиб таҳлил қилади 1.

Миллий ўзликни англашда янги аксиологик моделнинг жараени бормокдаки, анъанавий ва янги кадриятларни умумлаштириш мазкур моделга мос. Мазкур жараен қадриятларни қайта бахолаш, бахоловчи қарашлар тасаввурларнинг ўзгаришлари билан боғлик. Миллий онг, миллий ўзлигимизни англашда хам жамиятнинг ривожланишига мос келувчи қадриятли максадларни танлаб олиш юз бермокда. Миллий кадриятлар ва стереотипларни назардан қочириш жамиятдаги ислохотлар жараенига, маънавий ҳаетга зарар етказиши мумкин. Қатор Шарқ мамлакатларининг тарихий тажрибаси, хусусан, ғарбча қадриятлар хамда стереотипларни юзаки ва тез қарор маъкулланмаетгани, баъзан очикдан-очик топтириш қаршиликка келаетганлигини кўрсатмокда. Шу боис, миллий ўзликни англашга бўлган мазкур мезонлар оркали аниклик киритиш лозим. тахдидлар масаласига Миллий ўзликни англашга нисбатан тахдидларнинг негизини мазкур хиссиетларга қарши қаратилган ватанфурушлик, ўз халқи тақдирига бефарқлик, миллат иши, миллий ислохотларга нисбатан лоқайдлик, миллий маданиятдан бегоналашув, она тилини унутиш, миллий ғурур ва ориятнинг саезлиги кабилардан қидириш керак.

Бугун èшлар энг кўп дуч келаèтган бузғунчи ғояларни аниқлаш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасига кўра, булар диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» экани маълум бўлди. Шунингдек, èшлар ахборот хуружлари, гиèхвандлик, девиант хулқ-атворнинг турли холатлари каби маънавий тахдидларга дуч келишмокда. Ёшларнинг бузғунчи ғоялар ҳақидаги билими ва уларнинг ҳаèтий кузатувлари асосидаги маълумотларда фарқли

14 жиҳатлар кўзга ташланади. Ёшларнинг миллийлик-дан «бегоналашуви»га «оммавий маданият» кўринишидаги маънавий таҳдидлар кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Fоявий кураш шароитида ҳар бир суверен давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзини муайян тамаддун эгаси сифатида сақлаб қолиши учун бузғунчи мафкураларнинг ривожланишини доимий тарзда мониторинг қиладиган тизимни яратиши, уларнинг кенг тарқалишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий, мафкуравий, сиѐсий ва ташкилий характердаги аниқ чора-тадбирларни амалга

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: Oʻzbekiston, 2013. –Б. 255-313.

ошириши зарур. Бу борада ижтимоий ҳаѐтга миллий ўзликни англашнинг таъсир этувчи омилларини кучайтириш керак. Мазкур жараѐн миллий ривожланишнинг аниқ ижтимоий-сиѐсий дастурларини ҳаѐтга самарали жорий этиш, фукароларнинг ижтимоий фаоллиги, мақсадли тарздаги фаолияти орқали юз беради. Шу қаторда, ўзининг тор худбинлик интилишларидан устун туришга, халқнинг туб манфаатларини муносиб акс эттириш ҳамда уларни қондириш учун жамиятни жипслаштиришга қодир бўлган юксак маънавиятли, миллий онгли қатламни шакллантириш керак. Шу маънода, бугунги кунда миллий ўз ўрнини топишнинг ижтимоий-маънавий асосларини тизимли ишлаб чиқиш жамиятшунослик фанларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Тадқиқотда айрим жамиятларда юз бераѐтган маънавий-мафкуравий инкирозли вазиятлар ва бу борадаги янгидан-янги муаммоларнинг пайдо бўлиш жараѐни ўрганилади. Бу ҳолат ушбу соҳадаги асосий маънавий-мафкуравий концепциялар уйғунлашмагани билан боғлиқ. Маъно яратувчи майдондаги зиддиятларнинг мавжудлиги замонавий жамиятнинг маънавий-мафкуравий бирлашувига тўсқинлик қилади.

Миллий ўзликни англаш ҳам мафкура сингари бирлаштирувчи функцияни бажарган ҳолда шахснинг ижтимоийлашуви шакллари ва усулларига, миллат ичидаги алоқаларнинг ривожига таъсир кўрсатади. Масалан, оддий психологик даражада бирлашиш вазифасини ҳал қилиш учун яна бир тарихий, бироқ ҳанузгача ўз ҳаракатини сақлаб қолган миллий-этник қарашлар иш беради. Мафкуравий курашда миллий ўзликни англашнинг имкониятлари унинг функцияларидан келиб чиқади, зеро у миллат тарақкиѐтига хизмат қилувчи бир қатор функцияларни бажаради. Жумладан, унинг «баҳолаш ва даъват этиш, меъѐрий мувофиклаштириш, мослашув, ҳимоя қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва масъуллик таъсири функциялари мавжуд»<sup>1</sup>.

Бу ўринда миллий ўзликни англашнинг мухим унсури бўлган тарихий хотира, умумий тил, умуммиллий маданият, умумий тарихнинг имкониятлари кўриб чикилади. Миллий ўзликни англаш маънавий ва ижтимоий ҳаѐтда инсоннинг ўз йўлини белгилаши учун зарур бўлган баҳолаш муносабатлари ва рационал миллий тасаввурларнинг асосий тизими сифатида юзага чикади.

Тараққиетнинг барча даврларида «биз» тамойили умумийликни кучайтирувчи омил булиб, қабила чегарасидан миллий жамоаларни ягона миллатга янада купроқ жипслаштирди ҳамда улар узини ягона яхлитлик сифатида англаши учун йул курсатди. Узида ассимиляция, миллий жамоаларни

15

маданий ѐки тўла жисмоний йўқ қилиш хавфига эга бўлган ташқи тажовуз, қул қилиш, мустамлака қилиш сингари омиллар миллий ўзликни англашнинг ривожланишини рағбатлантирувчи ва жадаллаштирувчи катализатор бўлиб хизмат қилди. Миллий ўз-ўзини англаш омили миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли куч ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиеев ешларимизнинг қалби ва онгида

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: O'zbekiston, 2013. –374 б.

мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб, таъкидлайдики: «Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз» 1. Шундай экан, бу борадаги мураккаб вазифаларни бажариш, одатда, ғоявий тарбияни шакллантирувчи омиллар ва воситалар тизимининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Хусусан, бу ўринда оила, маҳалла ва таълим тизими асосий бўғин бўлса, ОАВ ғоявий тарбиянинг энг муҳим воситасига айланиб бормокда. «Ғоявий тарбия воситалари ва фаолияти орқали бу ғоялар онг ва руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади» 2.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оиланинг ўрни унинг кишилар ўртасидаги муносабатларни тобора сунъийлашиб олдини олишдаги ўрни алохида эътиборга молик. Таассуфки, ғоялар оила институтини издан чиқармоқда. Бу борадаги бугун бузғунчи муаммолар «сиèсий хукмронлик учун кураш ҳаèт тарзлари учун курашга ўз бераеттани» билан хам боғлиқ. Бу ўринда махалланинг ўрнини бўшатиб имкониятларини бахолашда халкимиз табиатидаги жамоавийлик, хамжихатлик, одоб меъерлари хамда анъаналари асосида яшаш хисси берилади. Хар бир инсоннинг маънавий-ахлокий устуворлигига урғу қадриятлари ўзига хос тизим бўлиб, улар ўзаро бирикиб, яхлит ва ягона оламга айланса, бутун бир халқ, миллат ва жамиятнинг маънавий-ахлокий қадриятлари шаклланади. Буни махалла рўебга чикаради.

Бузғунчи ғояларни бартараф этиш механизмларини яратишдаги асосий вазифа инсоннинг эркин ижодий фикрини шакллантириш, мурожаат қилишга мажбур этиш, оммавий инсондан ўз хиссиетларига шахсиятининг ўрнини белгилашга ўтиш имконини берадиган рағбатлар ва омилларни ишлаб чикишдан иборат. Бирок бузғунчиликни бартараф этишнинг самарали усули янгича таълим бўлиши лозим. Бу максадга эришишда хеч бермайди, чунки улар бузғунчилик кандай зўравонлик усуллари иш инстинктларини янада кучайтириши мумкин. Бинобарин, шахс атрофидаги омиллар — янгича қадриятларни шакллантириш зарур.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Ўзбекистоннинг бузғунчи ғояларга қарши кураш стратегияси: муаммолар ва ечимлар» деб номланади. Унда Ўзбекистонда бузғунчи ғояларга қарши кураш стратегиясининг хусусиятлари, миллий маънавият ва миллий ғоя – бузғунчи ғояларга қарши курашнинг асосий

16

омиллари сифатида ўрганилган. Шунингдек, бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини бартараф қилишнинг самарали йўллари ва усуллари таҳлил қилинган.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup>Мирзиѐев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017. – 488 б.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup>Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент: Akademiya, 2007. –186 б.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup>Гидденс Э. Убегающий мир. – М., 2003. – 231 с.

Мафкура соҳасидаги стратегия мафкурани шакллантиришнинг умумий мақсади ва тамойиллари, муваффақият йўлларини, шу ғоя, назария орқали амалга ошириладиган мафкура институтларининг умумий дастурларини шакллантиради. Мафкуравий стратегияни интеграциялашган тушунча сифатида куйидаги формула билан ифодалаш мумкин: МС=∑АТЄИБ. —Бузғунчи ғояларга қарши кураш стратегияси тушунчасининг моҳиятини очиш учун уни ташкил қилувчи унсурлар таҳлил қилинади. Мафкуравий кураш стратегияси - мафкуравий жараёнлар ва унга дахлдор барча даражадаги тузилмалар, шунингдек, инсон фаолияти турларининг барча даражадаги мафкуравий жиҳатлари устидан стратегик бошқариш чора-тадбирларининг тизимлаштирилган йигиндиси.

Мафкуравий стратегиянинг зарурий унсурлари йирик ижтимоий мафкуравий мақсадларни қўйиш, ижтимоий тараққиет моделини танлаш ва манфаатлар сохасидаги окилликдир. Замонамизнинг мафкуравий зиддиятлари, муаммолари, айникса, глобаллашув ва дуненинг куп кутблилиги тамойили ўртасидаги зиддиятни, иктисодий, экологик муаммолар, кашшоклик ва оммавий қирғин воситаларининг мавжудлиги вокеликнинг жиддий хусусиятларини ўрганиш хам мафкуравий стратегиянинг мухим масалалари сифатида тахлил қилинади.

Миллий мафкурани ҳаѐтга татбиқ этиш, бузғунчи ғояларга қарши восита сифатида қўллаш, мамлакатимизда бузғунчи ғояларга қарши кураш стратегиясини амалга ошириш жараѐнида «Аҳолида мафкуравий иммунитетни шакллантириш концепцияси»ни яратиш лозим. Бу концепция жамиятда маънавий инқирознинг олдини олиш, бузғунчи ғояларга қарши миллий менталитетни шакллантириш, мафкуравий иммунитетни янада мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Бугун фалсафа фани миллий ўзликни англашга ердам берадиган мафкуравий иммунитетнинг табиати, мохияти, тузилмаси, даражалари, амал килиш механизмлари ҳамда ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш буйича илмий ишланмаларга эҳтиеж сезмоқда. Миллий маънавиятга ендашувнинг янги идеоаксиологик моделининг ранг-баранглиги, жамиятнинг ўтиш ҳолатини акс эттириши, айниқса, миллий жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш керак.

